



# MILLIY TIKLANISH

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
ЎЗМТДП — www.mf.uz 1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

№ 30 (1028) 2019 йил 31 июль,  
чоршанба

**ЯХШИ БОШПАНГАН**

**ЭДИ, ПЕКИН...**

Сўнги пайтда  
"MADANIYAT VA  
MA'RIFAT"  
телеканални  
кўрсатувлари  
савияси тобора  
тушиб борапти



7-саҳифа

## ЭЗГУ ИШЛАР РЎЁБИГА НИМА ХАЛАЛ БЕРМОҚДА?



Мамлакатимиз  
раҳбарининг, энг  
аввало, одамларни  
рози қилиш зарур-  
лиги ҳақида айтган  
таъкидлари туб  
моҳиятини афсуски  
ҳали ҳам  
ҳамма раҳбарлар  
тўла англамаётган  
кўринади

**ОДАМЛАР ЭНДИ  
ҚЎЙНИНИ ПУЧ ЁНГОҚҚА  
ТЎПДИРИШПАРГА ЖИМ  
ҚАРАБ ТУРОПМАЙДИ**

"Миллий тикланиш"  
партияси фаолияти  
ҳақида Наманганда  
айтилган ҳақиқатлар

2-с

**ВИЛОЯТДАГИ "ЗЎР  
МАКТАБ"ЛАР  
ЭШИГИ "БЕГОНА"  
БОЛАЛАР  
УЧУН ЁПИҚМИ?**

10-с

**ЭРГАШАСИЗМИ,  
ЭРГАШТИРАСИЗМИ?**

сиёсий партиялар  
бугун, энг аввало,  
ана шу саволга  
жавоб топиши  
керак

6-с

# ОДАМЛАР ЭНДИ ҚЎЙНИНИ ПУЧ ЁНҒОҚҚА

## ТЎПДИРИШЛАРГА ЖИМ ҚАРАБ ТУРОЛМАЙДИ

“Миллий тикланиш” партияси фаолияти ҳақида Наманганда айтилган ҳақиқатлар



Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши Наманган шаҳрида ташкил қилган навбатдаги дебат анчайин кескин, муросасиз, танқидий-таҳлилий ва энг муҳими самарали бўлди. Унда Тошкент шаҳридан ҳам бир гуруҳ олимлар, эксперт, сиёсатшунос, ёзувчи-шоирлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Дебатда партиянинг бундан беш йил муқаддам қабул қилинган сайловолди Платформаси бугунги тезкор ислохотларга қай даражада мос, партия яна қандай ғояларни илгари суриши керак, эътибордан қайси масалалар четда қолаётир, деган саволларга жавоб изланди. Иштирокчилар шу йилнинг декабрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик жараёни билан боғлиқ саволларига жавоб олди, бу борада таклиф, фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Дебатда партия фаолларини қизиқтирган кескин ва кескир саволларга ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров, ўринбосарлар Нодиржон Мухторов, Феруза Муҳаммадҷонова ҳамда Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари атрофлича жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси расининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо партия сайловолди Платформаси лойиҳаси устида ҳали кўп ишлаш зарурлигини таъкидлаб, одатдаги қолипга тушган гаплардан қочган ҳолда, фуқароларни қийнаб келаётган масалалар ечимини илгари суришни таклиф қилди. Партия адабиёт, маданият ва санъат билан янада кўпроқ шуғулланиши мақсадга мувофиқлигини қайд этди.

Дебатда сўз олган филология фанлари номзоди, ЎзМТДП аъзоси Раҳимбой Жуманиёзов эса “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” шioriга таъриф берар экан, юксалиш бу чўққи, чўққига чиқиш учун эса, аввало билим ва маърифат зарурлигини қайд этди.

— Партиямиз миллатнинг руҳи,

қадди ва қадрига тегишли бўлган тил масаласига, “Давлат тили ҳақида”ги қонун ижросига масъулдир, — деди Р.Жуманиёзов. — Айниқса, маънавият, таълим-тарбия партиянинг бош ғояси бўлиши лозим. Ёшларга берилётган билим самардорлигини янада ошириш зарур. Чунки бу йўналишдаги ишларимиз яхшиланмас экан яхши ният билан бошланган ислохотлар кутилган натижани бериши мушкул.

— Аччиқ бўлса-да тан олишимиз керак, одамларнинг сиёсий партияларга ишончи мақтагули эмас. Чунки биз олдин аҳолининг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирдик. Тадбирларда баландрпарвоз гаплардан нарига ўтмадик. Шундай вазиятда бугун қандай қилиб аҳолини бошқа партиялардан фарқли ўлароқ “Миллий тикланиш”га жалб қиламиз? Марказий кенгаш бу борада аниқ стратегия ишлаб чиқяптими? — деган савол билан мурожаат қилди ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси Ҳамиджон Омонов.

Партия етакчиси бу саволга қуйдагича жавоб қайтарди:

— Тўғри, Мустақиллик миллий ўзлгимизни, ор-номус ва ғуруримизни, инсоний қадр-қимматимизни қайта уйғотди, она тилимиз, динимиз, қадрият ва аънаналаримизни қайтариб берди. Қадимий тарихимиз, миллий давлатчилигимиз тикланди. Партия миллий тикланиш деганда миллий ўзлик туйғусини уйғотиш ва янада мустақамлашни тушунади ва у мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутди. Миллий онг инсонда Ватанга муҳаббат туйғусини ошириш, ҳар томонлама комил инсон шахсини тарбиялашда бебаҳо неъматдир. Миллий ўзликни англаш тарихни ўрганишдан бошланади. Тарихни билмай туриб,

инсон ўзлигини топиши мумкин эмас. Ўзининг миллий давлатчилик тарихи, маънавий тараққиётини билмаган халқ миллий тикланишга қодир эмас. Фақат у орқалигина барча соҳада олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал эта оламиз ва партия бугун бу борада аниқ стратегияга эга. Сайловолди Платформамизда бу жиҳатлар энг муҳим ва устувор масалалар сифатида кўриляпти.

Халқ депутатлари Поп туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Иқбол Холиқовнинг саволи ҳам долзарблиги билан кўпчилиكنинг эътиборини тортди:

— Кейинги пайтларда ёшлар тарбияси ҳақида кўп гапириляётгани бежиз эмас. Чунки миллатимиз келажаги бугун уларни қай даражада тарбиялашимизга боғлиқ. Бироқ айни дамда ёшлар тарбиясида ота-она, маҳалла, таълим даргоҳи ва ички ишлар органлари ўртасида турли англашилмовчилик юзага келяпти. Ёшлар тарбиясига аслида ким масъул бўлиши керак? Шу масалада партиянинг позициясини билмоқчи эдим.

— Бу борада партиянинг позицияси аниқ, — деди партия Марказий кенгаши раиси А.Қодиров. — Фарзанд тарбиясига аввало оила, ота-она масъул. Тарбия узлқиз шаклда мактабгача таълим ва мактабда бугунги мавжуд таълим тизими билан мутаносиб равишда давом этиши зарур. Афсуски, бугун тарбия шаклланишининг энг муҳим босқичи тарбия методикасидан беҳабар ота-она ва соҳага тасодифан келиб қолган тарбиячи ҳамда мактабдаги математика, физика ва география фани ўқитувчиларига топширилмоқда. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси янги сайловолди Платформасида тарбия масаласига ўта жиддий ёндошмоқда.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раисининг ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўйича ўринбосари Нодиржон Мухторов партия Кува шаҳар кенгаши раиси Фарҳод Бадалбоевнинг

билими. Шу маънода айтиш мумкинки, барча даражадаги давлат бошқарув органларининг раҳбарлик лавозимларига заҳира кадрлар рўйхатини шакллантирганмиз. Ўтган вақт давомида партия ходимларидан 89 нафари турли даражадаги давлат бошқарув идоралари раҳбарлик лавозимига ишга ўтказилди. Шунингдек, жорий шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловда партия тизимида фаолият кўрсатаётган бир қатор ходимлар номзодини депутатликка илгари суриш мўлжалланган.

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши девони бош мутахассиси Муаттар Акбарова Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ва бу партия “Аёллар қаноти”нинг келгуси фаолиятида қай даражада ўз аксини топиши ёки яна “эски ҳаммом, эски тос” қабилида ишлаш давом этиши, этмаслиги билан қизиқди.

— Энди эскича ишлаш вақти ўтди, — дея бу саволга жавоб қайтарди ЎзМТДП Марказий кенгаш раисининг хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича ўринбосари Феруза Муҳаммадҷонова. — Сенатнинг йигирманчи ялпи мажлисидан сўнг ЎзМТДП Марказий кенгаши ва ҳудудий партия ташкилотлари ўртасида хотин-қизлар иштирокида видеоселектор шаклида семинар ташкил этдик. Унда давлатимиз раҳбарининг маърузаси мазмун-моҳияти иштирокчиларга атрофлича етказилди. Партия тизимида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди ва бу борадаги ишларимиз фаоллашса фаоллашадими, асло сусаймайди.

Наманганда бўлиб ўтган дебат жараёнида қутилган ва қутилмаган саволлар жуда кўп бўлди. Партия фаолиятида шу пайтгача эътибор қаратилмаган



партияда кадрлар сиёсати ва уларнинг давлат органлари тизимидаги лавозимларга жалб қилиш, жумладан, депутат сифатида сайланиши билан боғлиқ саволига қуйдагича жавоб қайтарди:

— Маълумки, ҳар доим ҳар бир мамлакат учун мутахассислар тайёрлаш, етук кадрларни вояга етказишга муҳим вазифа сифатида қаралади. Жумладан, биз ҳам малакали кадрларни тайёрлашни асосий ва бирламчи вазифа, деб



жиҳатлар ошкора айтилди, ўринли ва асосли танқидлар билдирилди. Ўртага ташланган саволлар, таклифлар асосида партия сайловолди Платформасини янада мукаммал ҳолатга келтириш, бу каби дебатларни бошқа ҳудудларда ҳам ўтказишга келишиб олинди.

**Равшан МАҲМУДОВ,**  
“Milliy tiklanish” мухбири

Халқимизда “Қушнинг ини бузилса ҳам чирқирайди” деган гап бор. Болалик хотираларимдан ҳеч кўтарилмайди: яшаб турган уйимиз пештоғи ёки айвонига доимо қалдирғоч ва мусичалар ин қуради. Онам эса доимо “қушнинг инига тегманлар, эшикни катта очиб қўйинлар, улар бемалол кириб-чиқиб турсин” деб тайинларди. Лекин болалигимизга бориб, барибир инларга тегинардик, уйи бузилган қушларнинг тепамизда чуғир-чуғир қилишидан эса завқланардик. Энди ўйласам, қушлар ўшанда чуғирламаган, аслида чирқираган экан...

билан амалга оширилмаётгани ҳам бор гап. Хоҳлай-мизми-хоҳламаймизми, ҳар қандай давлат ва халқ фаровон келажак йўлида шундай қийинчиликларни бошидан ўтказган. Ривожланган Япония ёки Хитой дейсизми, Жанубий Корея ёхуд сингапурликлар ҳам шу кунларга етишиш учун кўпдан-кўп бошбошдоқликларни бошидан ўтказгани тарихдан маълум. Ушбу мамлакат халқлари сабр ва матонат билан ҳар қандай тўсиқларни мардонатор енгиб, шундай дорилоним кунларга етди. Ҳатто айрим давлат фуқаролари шахсий жамғармасидаги маблағини ёппасига банкларга топшириб, ҳукумати томонидан

## ЭЗГУ ИШЛАР РЎЎБИГА НИМА ХАЛАЛ БЕРМОҚДА?



Сўнги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари, айниқса, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” ҳамда “Обод марказ” дастурлари доирасида халқ манфаати йўлида қилинаётган саяё-ҳаракатларни кўриб, чиндилдан қувонасан. Ярим асрлик уйлар ўрнига замонавий уй-жойлар қад ростласа, чанг, юриб бўлмас кўчалар асфальт қилиниб, чиқоқлар ўрнатилса, деворлари нураб турган мактаб ёки шифохона ўрнига ёруғ, кенг, кўрган одамнинг кўзи қувнайдиган ижтимоий объектлар қурилса, қувонмай бўладими?!

Ўзбек халқи болажон, фарзанди учун жонини беришга ҳам тайёр миллат сифатида таърифланади. Бу ойдин ҳақиқат. Ҳукуратимиз келажакимиз эгалари ҳисобланмиш — фарзандларимиз эртаси, халқимиз, юртимиз фарвонлигини ўйлаб, яшаб турган уйимиз ўрнига замонавий иншоотлар барпо қилишни режалаштирган экан, бундан фақат қувониб керак. Чунки, оталаримиз ҳаёт бўлганида биз — фарзандларини ўйлаб, албатта, бунга қаршилиқ қилмаган бўлар эди. Биз ҳам оталаримиз каби болаларимизнинг замонавий мактабларда етук таълим олишини хоҳлаймиш — Иссиқ жон, касал бўлиб қолсақ қачон-гача катта шаҳарларга зир югураимиз? Зарур шароитлар муҳайё қилинган шундоқ маҳалламиздаги шифохонада ётиб даволансақ, қандай яшми. Сифатли, арзон муҳсулотлар билан тўлган “супермаркет”, “болалигим — пошхолигим” ўтайдиган замонавий боғчалар қурилишини истаймиш. Эрталабдан кеч-гача меҳнат қилсагу, нима учун кўчаларимиз чанг, қишда лой бўлиши керак?!

Бугун ана шундай бунёдкорлик ишлари жадал давом этаётган бир пайтда айрим раҳбарлар томонидан тадбиркорлар қурган иншоотларни ҳеч қандай оғоҳлантирилмасиз бузилаётгани, уйи “снос”га тушиб, саратон жизғинагида очик осмон остида яшаётган оилаларга ваъда қилинган тўлов(компенсация)нинг берилмаётгани сир эмас. Баъзи маҳаллий раҳбарлар “янги сини кўрмай туриб, эски сини бузма” деган аънанани унутди чоғи, халқни рози қилишдек эзгу қадриятларни оёқости қилишгача боряпти ва бу одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Сўнги кунларда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида юз берган воқеага кимни айбдор қилишни билмай бошимиз қотган бир пайтда Хоразмда яна бир шунга ўхшаш ҳолат бўй кўрсатди. Вилоятнинг Чондирқийёт қишлоғи ҳудудига кўчириб ўйорилган ва қарийб икки ойдан бери очик далада палатка

қуриб яшаётган аҳоли Урганч-Хонқа йўлининг қатнов қисмини тўсишга мажбур бўлди.

Мамлакатимизда бошланган кенг қамровли уй-жой қурилиши бежизга эмас. Машъум 1966 йилдаги Тошкент зилзиласида дунёни титратадиган қудрат ва имкониятларга эга бўлганлиги даъво қилинадиган со-биқ совет тузими иттифоқчи республикалари қурувчилари пойтахтимизда қурган уй-жойига нисбатан қисқа вақт ичида 10 баробар кўпроқ турар-жой бунёд этилди. Қурилиш нафақат Тошкентда, вилоятларнинг чекка ҳудудларида ҳам давом эттирилмоқда...

Шу ўринда можаро келиб чиқиши сабабларига тўхталмоқчи эмасмиз. Ёмон хабар тез тарқалади деганидек, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали барча бундан шу вақтнинг ўзидаёқ хабардор қилинди. Лекин бундай хунук воқеалари юз бермаслиги мумкин эди, агар одамлар ўз вақтида рози қилинганида, содда қилиб айтганда, ваъдага вафо қилинганида.

Маҳаллий ҳокимликлар Президент томонидан илгари сурилган ва бугун ҳаётимиздан тобора чуқур ўрин олаётган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили ижросини тўла бажармаяпти. Мамлакатимиз раҳбарининг деярли ҳар бир йиғилиши ва учра-шуварларида энг аввало одамларни рози қилиш зарурлиги ҳақида айтган таъкидлари туб моҳиятини ҳали ҳам тўла англамаяпти. Натижада айни сиёсатнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини тушунишни истамаётган айрим ғаразли шахсларда гўёки маҳаллий ҳокимликлар халқни давлатга қарши қайраётгандек тасаввур уйғонишига сабабчи бўляпти. Чунки, Ўзбекистонда сўнги йилларда амалга оширилаётган тезкор ижобий ўзгаришларни энг аввало одамларни рози қилиш зару-раб турган кучлар ҳар доим бўлган ва улар маҳаллий раҳбарларнинг беўшшов довдирашларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётир.

Қолаверса, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурида Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш концепциясини ишлаб чиқиш, дунё ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузини янада мустаҳкамлаш маса-лалари устувор вазифа сифатида белгиланган бир пайтда, бундай ҳодисалар олий стратегик мақсадга эришишимиз йўлида амалга оширилаётган саяё-ҳа-ракатларимизга соя солиши мумкин.

Юртимиздан бошланган ислохотлар осонлик

олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлагани ҳам ҳақиқат.

Албатта, “Миллий тикланиш” демократик партияси халқ манфаати, юрт равнақиға қаратилган ҳар қандай ислохотларни қўллаб-қувватлайди. Хусусий мулк дахлсиз ва уни тўла ҳимояламай туриб, иқтисодий ривожланиш ҳақида гапириш ноўрин. Бундай инсонпарварлик сиёсати Бош қомусимиз — Конституциямизда энг олий нормалардан бири сифатида белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш замирида бу бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш зарур. Бунда, албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам қонун устуворлигини таъминлашга қатъий амал қилиши талаб этилади ва адолатнинг суд орқали ўз вақтида ва самарали таъминлишини муҳим аҳамиятга эга.

Тўғри, халқимиз фарвонлиги, Ватан тараққиётига қаратилган дастурлар ижроси доирасида шаҳарларимиз янада обод бўляпти, маҳалла, чекка қишлоқларимизда бўлаётган ўзгаришлардан халқимиз мамнун. Лекин бундай бунёдкорлик ишлари бир одамнинг бўлса ҳам норозилиги ҳисобига, қонуний ҳуқуқларини поймол қилиш эъзизга бўлса, қувончимиз татимаслиги шубҳасиз. Шунинг учун, давлатимиз раҳбари кўп бора таъкидлаганидек, бошланган ишимиз самаралари хайрли бўлиши учун аввало халқимизни рози қилиб, дуосини олиш зарур.

Гап юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида кетганда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун чин маънода ҳаётимизда янги эпкин, ҳаракат, интилиш ва ишонч пайдо бўлиб, халқимиз аниқ мақсад билан яшамоқда. Бу ҳар бир кунни эзгу ният билан бошлаш, ён-атрофимизда, бошланган ишимиз бўлаётган хайрли ишларга бош қўшиш, Президентимиз ташаббусларини доим қўллаб-қувватлаш мақса-дидир.

**Донёр ТОШБОЕВ,**  
**ЎЗМТДП Марказий**  
**кенгаши Ижроия**  
**қўмитаси девони**  
**бўлими**  
**бошлиғи**



# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ИМИЖИ

уни юксалтириш йўлидаги муаммолар, ечим ва истиқболлар

Юртимизда барқарор миллий тараққиётимизнинг янги босқичи, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоғида кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотлар жадал олиб борилаётган масъулиятли давр изчил давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “ҳозирги кунда кўпмиллатли халқимиз мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлида баҳамжиҳат бўлиб, қатъият ва фидойилик билан меҳнат қилмоқда”.



Бу фикрга яққол бир мисол: америкалик сиёсатшунос Ф.Старр “Ўзбекистоннинг янгилашган қиёфаси” китобини ёзди. Бу бежиз эмас. Чунки, чиндан ҳам, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакат ҳаётининг барча соҳасида бошлаб юборилган қамровдор ва шиддатли ислохотлар тез орада бутун дунёнинг эътиборига тушди.

Яқинда мустақил экспертлар томонидан

Бугунги кунда мамлакатимиз ижобий имижини халқаро майдонда фаол илгари суриш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу миллий манфаатларга, мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ташаббусларини амалга оширишга хизмат қилувчи муҳим омил.

Айни пайтда бу масала иқтисодий ривожланиши таъминлаш, экспортни қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва сайёҳлар оқимини ошириш учун зарур шароит яратишнинг бирламчи механизми ҳамдир.

Шу маънода, ушбу ниҳоятда долзарб ва серқирра масалага илмий-назарий жиҳатдан ёндашганда, имижшунослик назариясини ишлаб чиқиш тақозо этилади, деб ҳисоблайман.

**Имижшунослик — фаннинг янги йўналиши бўлиб, кўплаб фанлар бириккуви натижасида юзага келган.** Бу ўринда сиёсатшунослик, социология, халқаро муносабатлар назарияси, геосиёсат, юриспруденция каби фанларни санаб ўтиш мумкин. Ўзбекистоннинг халқаро имижини мустақамлаш деганда, авваламбор, мамлакатимизнинг том маънода ижобий халқаро имижини таъминлашнинг амалий-ташқилий жиҳатлари ҳақида сўз юритиш ўринлидир. Бунда турли усул ва воситалардан фойдаланилиши табиий, албатта. Муҳими, мавзунинг ўзига хос нозиклигини инобатга олиб, дифференциялашган, яъни тоифаланган ёндашувга асосланиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, таълим-педагогика нуқтаи назаридан қараганда, биринчидан, қисқа фурсатда “Имижшунослик” ўқув курсини ишлаб чиқиш ва шу асосда таълим беришни йўлга қўйиш лозим. Иккинчидан, мамлакатимизда ва хорижий давлатларда мазкур йўналишда тизимли ахборот-тарғибот тадбирларини ташкил этиш зарур.

Бугунги Ўзбекистон қандай қилиб атиги 2-3 йил ичида ўз имижини мамлакат ичида ҳам, хорижда ҳам тубдан ўзгартиришга муваффақ бўлди?

Бу саволнинг жавоби шуки, **замонавий Ўзбекистоннинг ҳозирги янгилашган қиёфаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаолияти билан бевосита боғлиқдир.**

Ўзбекистон Президентининг тарихий аҳамиятга эга бўлган 10 та энг муҳим ташаббуси рўйхати тузилди ва матбуотда эълон қилинди. Экспертларнинг фикрича, бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари ҳамда Ўзбекистондаги трансформация жараёнида нафақат ўзбек халқи, балки Марказий Осиё давлатларига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон халқаро имижини мустақамлашга доир концепциянинг ишлаб чиқиши айни муддаодир. Бунинг учун, биринчидан, миллий амалиёт ва тарихий тажрибаимизни, иккинчидан, хорижий амалиётни, учинчидан, халқаро тажрибани ҳисобга олиш даркор.

Концепция лойиҳасини тайёрлаш юзасидан муайян ишлар қилинганлиги дикҳатни тортади. Лойиҳа мундариҳаси оқилона тузилган. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустақамлашнинг асосий омиллари деярли тўлиқ қамраб олинган.

Бу борада яна бир омил бор. У ҳам бўлса, мамлакатимизнинг ички имижини ошириш масаласидир. Муҳим аҳамиятга эга бу омил халқнинг давлат ҳокимиятига ишончи билан чамбарчас алоқадордир.

Ўзбекистоннинг имижини оширишга доир сиёсатни белгилаб берувчи омилларга ҳам тўхталиш лозим. Ҳозирги шароитда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини юксалтиришнинг қандай самарали йўллари мавжуд?

Ушбу саволнинг жавоби Концепция лойиҳасида ўз аксини топган. Лойиҳада Ўзбекистон имижини ошириш билан боғлиқ асосий хусусиятлар қайд этилган.

**Ўзбекистон халқаро имижини оширишнинг қуйидаги йўллари санаб мумкин.**

**Биринчиси — юртимиз халқаро имижини оширишнинг ҳуқуқий асослари.** Бу йўл, бир томондан, қонунчиликнинг замонавий тизими амал қилишини, иккинчи томондан, халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка уйғунлаштиришни, учинчи томондан, самарали қонунни қўллаш тизими мавжуд бўлишини талаб этади.

**Иккинчиси — халқаро имижини оширишнинг институциявий асослари.** Бу,

ўз навбатида, самарали ва очиқ давлат бошқаруви, ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципини татбиқ этиш, қонун устуворлиги ва адолатли суд тизими, одил судловдан фойдаланиш имконияти, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини кўзда тутати.

Бунда, шунингдек, фуқаролик жамияти ривожланган бўлиши тақозо этилади. Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ННТ, ОАВ, диний ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тўлақонли йўлга қўйилиши шулар жумласидандир.

**Учинчиси — Ўзбекистоннинг халқаро имижини оширишнинг ахборот-маърифий асослари.** Бу ўринда кенг қўламли ахборот-тарғибот ишларини изчил йўлга қўйиш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, таълим тизимига имижшунослик фани бўйича махсус ўқув курсларини жорий этиш зарур.

**Тўртинчиси — Ўзбекистоннинг халқаро имижини оширишнинг мониторинг билан боғлиқ асослари.** Яъни, мамлакатимизда илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича олимпиадалар, нуфузли кўрик ва танловлар, масалан, журналистларнинг “Олтин қалам” танлови ўтказилиши устидан миллий мониторингни амалга ошириш лозим.

Токи бундай танловларда чинакамига муваффақият қозongan ғолибларнинг имижини мамлакат имижини мужассам этсин. Халқ мақолида айтилганидек, “Тома-тома кўл бўлур”.

**Бешинчиси — Ўзбекистон имижини оширишнинг халқаро миқёсдаги асослари.** Бунда аввало мамлакатимизнинг турли халқаро рейтингларда юқори натижаларни қайд этиши зарурлиги ҳақида сўз бормоқда.

Бугун 27 та халқаро рейтинг тизими мавжуд. Улардан ҳар бири эълон қиладиган кўрсаткичларда Ўзбекистон мавқеининг муттасили ошиб боришига эришишимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Шу билан бирга, одам савдосига ва коррупцияга қарши курашиш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш каби соҳаларда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг фаол ҳамда намунали аъзоси сифатида ўзини қўрсатиши керак.

**Инсон ҳуқуқлари — Ўзбекистоннинг миллий ва халқаро имижини оширишнинг энг муҳим омилларидандир.** Бу омил биринчи навбатда, мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ўз халқаро мажбуриятларига қатъий амал қилишини кўзда тутати.

Айни чоғда, фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ўрни ва аҳамиятини янада кучайтириш зарур.

Энг асосийси, **Президентимизнинг фаолияти — Ўзбекистон имижини юксалтиришнинг ғоят муҳим омилдир.**

Бунга, бир томондан, юртдошларимизнинг ҳаётдан розилиги, бугунги кунга шукронаси ва эртанги кунга бўлган ишончи, иккинчи томондан, хорижий ва халқаро экспертларнинг юксак баҳоси ҳамда эътирофлари яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистон Президентининг кейинги уч йил давомида илгари сурган янги-янги ташаббусларининг туб моҳиятига назар

солайлик. Бу ташаббуслар миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари самарали таъминланиши ҳамда ҳимоя қилинишига доир ташаббусларига эътибор қаратайлик. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси бу борада том маънода янги, ғоят таъсирчан қадам бўлди.

Президентимизнинг яхши қўшничилик муносабатлари, чегараларнинг очилиши ва назорат-қиритиш пунктларининг ташкил этилишига доир минтақавий даражадаги ташаббуси туфайли Марказий Осиё давлатлари билан барча масала бўйича конструктив мулоқот ўрнатилди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда очиқлик, яхши қўшнилик ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустақамлаш имконини бераётган ишонч руҳидаги ташқи сиёсати халқаро майдонда кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган халқаро даражадаги ташаббуси билан “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинганлиги халқаро ҳамкорлик соҳасида муҳим воқеалардан бўлганини қайд этиш лозим. Резолюциянинг асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришдир.

Шу маънода, бу зғу ғоянинг ташаббускори айнан Ўзбекистон экани бежиз эмас. Чунки юртимизда, умуман, минтақамизда не-не асрлар давомида турли миллатлар, динлар вакиллари аҳил ва иноқ яшаб келади. Минтақада ранг-баранг маданиятлар, урф-одатлар ва тиллар ҳам изчил ривожланиши, ҳам ўзаро бир-бирининг ривожига хизмат қилиши одатий жараён ҳисобланади. Бунда неча минг йиллар давомида минтақамиз шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб ўтган Буюк ипак йўлининг аҳамияти беқийсдир.

Миллий-маданий ва тарихий-тамаддуний бой меросимиз ҳам юртимиз имижини оширишда улкан ўрн тутати. Эътибор беринг: тарихий ёдгорликлар, мезморий обидалар, нодир Шарқ кўлёмалари, муслик мерос, ёрқин табиат гўшалари — Яратган бизга ато этган бу каби бой меросимизни санаб адо этиш мушкул.

Ана шу кўп минг йиллик тарихимиз, бой маданий мерос, халқимизнинг бағрикенглик, меҳмондўстлик каби фазилатлари, мамлакатнинг улкан иқтисодий ва табиий имкониятлари, буюк алломаларимизнинг илм-фан тараққиётига қўйган беқиёс ҳиссаси Ўзбекистон имижини дунё миқёсида илгари суриш ва тарғиб қилишнинг энг зарур жиҳатларидандир.

Ўзбекистон — бағрикенг диёр. Бағрикенглик Ўзбекистон имижини оширишнинг яна бир ўзига хос омил ҳисобланади. Зеро, **халқимизнинг азалий бағрикенглиги замирида миллатлараро, динлараро, маданиятлараро ва тиллараро бағрикенглик ўз мужассамани топган.** Шу маънода, бағрикенглик — янгилаётган Ўзбекистоннинг ёруғ юзидир.

Акмал САИДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ўзМТДП фракцияси аъзоси



# КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ, ИСИТМАСИ ОШКОР ҚИЛАДИ

ёхуд ўз партияси нашрини ўқимайдиган “партия фаоли” дан нима кутиш мумкин?

**Ажойиб халқмиз. Таниқли кулгу устаси айтганидек, “Ўзи сўздан қизиқ, сўзи ўздан қизиқ”. Буёғи ошкоралик – “касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади”. Сўз эркинлиги шабадаси эсиб турган айни пайтда кўплаб соҳаларда йиллар давомида яшириб келинган “касалликлар” бирма-бир ошкор бўлмоқда.**

Мухим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайлов бўлиб ўтадиган ушбу йилда сиёсий партиялар ўз дастурини халқ орасида татбиқ қилиши, беш йил давомида “ортирилган касаллик” ларни тузатиш чораларини кўриши орқали кўпчилик орасида “Партиялар нима қилаяпти ўзи?” деган саволга аниқ жавоб берган бўлади.

Ўрганиш ва таҳлиллар натижасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳудудий кенгашларида ютуқлар, самарали амалий ишлар қаторида бир қанча камчиликларга йўл қўйилаётгани намоён бўлмоқда. Партиянинг шу йил олти ойлик якунларига бағишланган навбатдаги XVI Пленумида йўл қўйилган камчиликларга алоҳида тўхталиб, ҳали ҳам эскича ишлаш тизимидан воз кечмаётган баъзи кенгашлар фаолияти танқид қилинди.

Шу ўринда, ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгашининг биринчи ярим йилликда олиб борган фаолиятига тўхталсак: бу даврда 305 та турли тарғибот тадбири ўтказилган бўлиб, унда 18 мингдан зиёд аҳоли қатлами қамраб олинган.



Хоразм вилоят, Хива шаҳри, Боғот ва Урганч туман Кенгашларига сайланган депутатлар маҳаллий сессияларига бирорта ҳам масала олиб чиқмаган. Умуман олганда, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига масала олиб чиқишда ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда ўсиш кузатилмади. ЎзМТДП янги аъзоларни жалб этиш бўйича ҳам партия Хоразм вилоят кенгаши кўрсатаётган натижалар қониқарсиз.

Партия ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, қўшимча бепул таълим бериш бўйича “Хизмат — беминнат” лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Бу лойиҳа доирасида кўплаб хоразмлик ёшлар ҳунарли бўлгани, ўз йўлини тўғри белгилаб олгани қувонарли. Аммо ЎзМТДП Хива шаҳар кенгаши мазкур лойиҳа доирасида атиги битта ўқув курси фаолиятини йўлга қўйгани таассуфлидир.

Бугун ҳар бир ташкилот оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлики янада кучайтириш, жамоатчилик билан алоқаларни изчил йўлга қўйиш орқали ўз фаолиятини кенг

оммага ёймоқда. Жумладан, жорий йилнинг олти ойи давомида ЎзМТДП Хоразм вилоят ташкилотлари оммавий ахборот воситаларида жами 1 минг 466 та чиқиш қилган. Хусусан, телевидение, матбуот, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда амалга оширилган ишлар анча фаол ёритилмоқда. Айниқса, Қўшқўпир, Шовот, Хонқа, Янгиариқ тумани ҳамда Урганч шаҳар кенгашлари ОАВда тарғибот-ташвиқот ишларини талаб даражасида амалга оширди. Бирок, Хива туман ҳамда Хива шаҳар кенгашлари бу борада ҳамон орқада. Ҳолбуки, ҳар икки кенгаш учун ҳам вилоят маркази бир қadam.

Шунингдек, мафқуравий ва маъна-



доимий комиссияларга масалалар киритиш 5 тага камайган.

— Бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида жами 92 нафар партия депутати фаолият юритмоқда, — деди ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ижрочи котиби Зафар Ғафоров. — Шундан 13 нафари вилоят, 77 нафари туман, 2 нафари шаҳар Кенгаши депутатларидир. Улар ўтган олти ойда турли идора, ташкилот ва муассасаларга

вий-маърифий соҳадаги ишларни самарали ташкил этишда ҳам Хива шаҳар, Боғот ва Хива туман кенгашлари ўз фаолиятини янгича талаб ва изчиллик билан қайта кўриб чиқиши лозим.

Партия мақсад-вазифаларини амалга оширишда муҳим мафқуравий қуроли бўлмиш “Миллий тикланиш” газетасига обунга бўлиш кўрсаткичи 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра, Хоразм вилоятида атиги 59 тани ташкил этган, холос...

\*\*\*

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида партия дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда яхши натижа кўрсатишга ҳаракат қилгани қувонарли. Жумладан, “Уйма-уй” лойиҳаси доирасида 175 хонадонга кирилиб, 72 нафар йигит-қизнинг муаммоси ўрганилди. Уларнинг 7 нафари иш билан таъминланди, 15 ўғил-қиз мавжуд бўш иш ўринлари тақлиф қилинди, 30 нафарига турли масалаларда кўмак ва 20 нафар ёшга тушунтиришлар берилди.

Айни пайтда “Хизмат — беминнат” лойиҳаси доирасида 44 та бепул ўқув курси ташкил қилинган ҳамда уларда 284 нафар ёшлар билим олиб, ҳунар ўрганмоқда. Шунингдек, “Депутат билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида жойларда ташкил этилган 25 та давра суҳбатига мингдан зиёд фуқаро қатнашиб, турли масалалар юзасидан халқ вакилларига мурожаат қилишди. Уларнинг аксарият қисми ижобий ҳал этилди.

Аммо ўтган ярим йил давомида халқ депутатлари Қаттакўрғон шаҳар, Булунгур, Жомбой, Қаттакўрғон, Қўшработ, Нуробод, Пахтачи, Самарқанд ва Тайлоқ туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар доимий комиссияларга масала киритмаган. Умуман олганда, вилоят бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан

жами 300 депутатлик сўрови юборди. Мутасадди ташкилотларга юборилган депутатлик сўровларининг 256 таси ижобий ҳал этилган, 41 тасини ҳал этиш чоралари кўриляпти, 3 таси эса жавобсиз қолган.

Таъкидлаш жоиз, бу даврда халқ депутатлари Пастдарғом ва Ургут туман Кенгашларидаги партия гуруҳларидан ташқари бошқа бирорта, яъни Самарқанд вилоят, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарлари, Булунгур, Жомбой, Иштихон, Қаттакўрғон, Қўшработ, Нарпай, Нуробод, Оқдарё, Пайариқ, Самарқанд, Пахтачи ва Тайлоқ туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари сессияларга бирорта ҳам масала олиб чиқмаган. Вилоятдаги 195 та ахборот-ресурс марказининг бугунги ҳолатини атрофлича ўрганиб чиқиш жараёнида ҳам халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатларининг ўрни деярли сезилмади.

“Уйма-уй” лойиҳаси доирасида Пастдарғом туманида бирорта хонадонга ташриф буюрилмаган, хотин-қизлар муаммолари ўрганилмаган. Шунингдек, Каттакўрғон шаҳрида 2, Каттакўрғон туманида 4, Қўшработ, Нарпай ва Самарқанд туманида эса бор-йўғи 5 хонадон ўрганилган. Бу нимани аниқлатади? Мазкур туманларда муаммо йўқми ёки партия ходимлари ва халқ вакилларининг “вақти тигиз”ми?

“Хизмат — беминнат” лойиҳаси доирасида эса Жомбой, Каттакўрғон, Пастдарғом туманида атиги биттадан ўқув курси фаолияти йўлга қўйилган, холос. Шунингдек, вилоят миқёсида янги аъзоларни партияга жалб этиш натижалари ҳам қониқарсиз.

Ютуқлар ўзимизники, бироқ камчиликларни ҳам қимдир келиб бартираф этмайди. Кейинги ярим йилликда хатоларни тўғрилаш, ҳар жиҳатдан мукаммал фаолият юритишни йўлга қўйиш партиянинг сиёсий имижини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини унутмасак бўлгани.

**Дилфуза МАҲКАМОВА,**  
“Milliy tiklanish” мухбири



**Муслим МИРЗАЖОНОВ,**  
блогер:

# ЭРГАШАСИЗМИ, ЭРГАШТИРАСИЗМИ?

сиёсий партиялар бугун, энг аввало,  
ана шу саволга жавоб топиши керак

**Адабиёт халқни ўз ортидан эргаштириши керак...**

**Санъат халқни ўз ортидан эргаштириши керак...**

**Илм-фан халқ йўлини ўз нури билан ёритиши, ортидан эргаштириши керак...**

**Аммо, бугун уларнинг ҳаммаси эргаштирувчи эмас, эргашувчига айланиб қолганига кўникиб ҳам қолгандекмиз...**

**Аслида халқни ортидан эргаштира оладиган асосий куч — сиёсий партиялардир. Бироқ улар замон билан ҳамнафас эмасдек, бугунги жадаллик ортидан қувиб етолмаётгандек кўринади.**

**Нера?**

Айтайлик, қишлоқ жойларда сайлов тўғрисида энг биринчи бўлиб "Damas" ҳайдовчилардан билиш мумкин. Аммо, ўзини зиёли деб билганлар эса уни, биз каби "фақат сайловлар йили келганда эслаб қоламиз". Буларнинг бари ушбу йўналишда ҳали камчиликлар талай эканидан далолат беради.

Агар сиёсий партияларни ичидан кузатиб, сайловга муносабатини ўргансак назаримда, бугун бошли халқ тақдирини беш йиллик муддат давомида ҳал этадиган жараён айнан халқ иштирокисиз, муайян гуруҳ сиёсий партиялар ходимлари-ю, ўзлари истаб-истамай номзоди қўйилганлар учунгина аҳамиятлидек ўтиб кетишига гувоҳ бўламиз. Айтайлик, бир мева пишиб етилгунча маълум бир жараёнлар кечиши табиий ҳолат. Худди шу сингари партияларнинг "пишиб-етилиб" пайдо бўлгани, аксинча "пайдо этилгани" уларнинг бугунги даражасининг илк асоси, дейиш мумкин.

Сиёсий партия кўпчилик назарида давлат, аслида эса нодавлат ташкилот. Унинг бошқа нодавлат ташкилотларидан фарқи жиҳати шундаки, у ҳокимият учун курашиш ҳуқуқига эга. Бироқ, ана шу фарқни кўплаб қуйи ташкилотлар, айниқса, партиянинг тириклик манбаи, жон томири — бошланғич партия ташкилотлари ҳамон тўла англаб етмаган кўринади.

Бир тасаввур қилинг, сиз яшаётган қишлоқда бирон бир сиёсий партия тарғибот ўтказмоқчи. Бундай тadbир эса одатда умумий ўрта мактабнинг фаоллар залида ўтказилади. Ваҳоланки, ушбу "мактабда ўтган йиғилиш" шу куннинг ўзидаёқ "тарих"га айланиб, эртасига унутилади. Иштирокчиларнинг кўпчилиги шахсий муаммоси-ю, кундалик эҳтиёжини ўйлаб, барибир ҳеч нимани тушунмайди.

Мана шу ерда иккита оғриқли нукта юзага чиқади: бирин-

чиси, қуйи ташкилот ходими ўз хоҳиш-иродаси ёки шу сиёсий партия гоёси унга маъқул ёки мос бўлгани учунгина ишга қирмаган. Унга ё шу ишни юклаган ёки бошқа бир сабаби бўлган, деб бемалол айтиш мумкин.

Йиғилишда айтилаётган гаплар унинг иштирокчиларига қизиқ эмаслигининг боиси, минбарда айтилаётган гаплар, ўртага ташланаётган масалалар уни тинглаётганидан кўра бироз маданийроқ. Тингловчининг хаёлини "кечга нима овқат қилсам экан", "ўтинни қайдан топдим", "чироқ ўчса, керосинни фалончидан сўрасаммикин", "Россияга кетган болам омонмикин", "бу одам гапини тезроқ тугатсайди" деган ўй-фикрлар қоплаб бўлган. Демак, сайловда дастурлар оммалашмаслиги "қуруқ қошиқ оғиз йиртар", деган мақолга жуда мос тушади. Боиси, дастурлар аҳоли иродасини, дарду ташвишини, мушуқлини ўйлаб эмас, замонавий кўппартиявийлик тамойилларига, бир-бирдан мураккаб назарий қоидаларга таяниб ёзилган. Айтиш мумкинки, улар уста сиёсатчи ёзган иншога ўхшаб кетади. Ҳолбуки, сиёсий партиялар дастурлари зарур ҳолатда давлатнинг яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режаси каби мукамал бўлиши зарур.

Бизда эса, аксинча... Боиси, сайловда дастурлар яратилишининг ўзидаёқ, асл ҳолатдан узоқлашиш бор, таҳлил йўқ.

Тўғри, сўнги пайтларда оммавий ахборот воситаларида сиёсий партиялар янги сайловда Платформаларини муҳокама қилаётганига оид хабарлар чиқиб турибди. Унда фаол партия аъзолари ва депутатлар кўпчиликини қийнаётган масалалар ва уларнинг ечими бўйича фикр ва таклифлар билдирипти. Партия фаолияти плюрализмга бой бўлса, ўзаро партиявий дискуссиялар қанчалик шиддатли бўлса — дастур шунчалик мукамал бўлади. Бу яхши, албатта. Бундай жаҳд ва ҳаракатлар олдимида турган сайлов ҳаётий ўтиши мумкинлиги умидини пайдо қилади. Аммо ушбу жараёнга муносиб имиж билан бориш учун сайловлар оралиғида аҳолини қийнаётган реал муаммолар бўйича ҳар бир сиёсий партия ўз муносабатини билдириши, таклиф бериб

бориши, аҳолининг бу борадаги қарашларини ифодалаш ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиши керак, назаримизда. Сайлов натижалари эса, сиёсий партияларнинг бугунги тайёргарлигига ва уларнинг жамиятдаги нуфузига берилган баҳо бўлади.

Бугунги кунда эса 190 та маҳаллий Кенгашда 6 мингдан зиёд депутат ва 1 минг 200 атрофида доимий комиссия, 750дан кўпроқ депутатлик гуруҳлари фаолият юритаяпти. Бу, албатта, катта куч. Шундай эмасми?

Аммо улар билан боғловчи вазифасини ўтовчи ижрочи котиб лавозими жорий қилинишида хатоликка йўл қўйилди. Яъни, ушбу лавозим фракцияда жорий этилди-ю, молиялаштириш сиёсий партия ихтиёрида қолди. Бу эса қонунга зид. Яъни, ушбу штат Қонунчилик палатасида эмас, сиёсий партияларнинг Марказий кенгашида очилди. Худди футболдаги ижарага олинган спортчидек, 2018 йилнинг ёзда тўртта партиядан биттадан ходим "парламентга йўл олди". Муаммога йўл айланиб ўтиш орқали ечим топиладигандай бўлди. Бироқ улар учун энг катта муаммо кейин бошланди.

Сайланиши ва иш фаолияти алоҳида ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида"ги) қонунлар билан тартибга солинадиган халқ вакиллари ва ижрочи котиб ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқий асосга эга эмаслиги кўриниб қолди. Натижада, фракция раҳбарининг бир ёрдамчиси иккита бўлди, холос. Биттаси партиядан, иккинчиси Қонунчилик палатасининг ўзидан. Бунинг устига депутатлар сиёсий партиялардан сайланганидан сўнг негадир ўзини ҳисобдор деб ҳис қилмайди. Чақириб олиш институти эса на амалда ва на қонунчиликда такомилга етказилмаган. Орадаги бўшчилик ижрочи котиб билан ҳам ечиб бўлмаяпти. Жойларда масалаларни ўрганиб, тўплаб, таҳлил қилиб, фракцияга тақдим этиш шу тариқа фақат тавсиявий характерга эга бўлиб келяпти. Бунинг ўрнини депутатларнинг ҳар ой 10-12 кун жойларга чиқишига қоплаётгандай гўё.

Дарвоқе, ушбу амали-

ётнинг жорий қилиниши ва унинг натижалари партия ташкилотларининг қон-қонига сингиб кетган тадбирбозликдан муайян даражада воз кечишига сабаб бўлди. Шу боис партиялар фаолиятида бироз силжиш ва уйғониш кузатилди.

Ва энг асосийси, сиёсий партиялар учун туман, айниқса, бошланғич ташкилотлар ҳам таянч, ҳам суянч бўғиндир. Жойлардаги муаммоларни ўрганиш, уларга ечим топиш ё уларнинг оқшаида ушбу жиҳат муҳим саналади. Сиёсий партиялар одатда энг яхши мутахассисларни марказга тортишади. Уларда ротация талаб даражасида эмас. Устига-устак қуйи ташкилотлар ходимлари ҳам бунга интилишади ва бу табиий қабул қилинади. Хўш, нега, деган саволга чунки бунда маош ва ишлаш учун шароит даражаси анча юқорилиги муайян рол ўйнайди, деб жавоб бериш мумкин. Аслида эса муайян режа асосида қуйи ташкилотлар фаолиятини изчил кучайтириш, ҳар йили ҳеч бўлмаганда бешта туман ёки ўнта бошланғич партия ташкилотлари учун "супер шароит" яратиш зарур. Унутмаслик керакки, кўп ҳолларда чекка туман ёки қишлоқлардаги хонадонлар дарвозасини марказий эмас, маҳаллий ва қуйи ташкилот вакиллари чертади...

Тан олиш керак, кейинги вақтларда сиёсий партиялар фаолиятидаги ўзгаришлар эътироф этилаётган бўлса-да, бу уларнинг фаолиятини етарлича самарали дейишга асос бўлмайди. Бугунги кунда халқнинг ортидан эргашадиган эмас, уни ўзининг ортидан эргаштира оладиган партиялар керак...



Газетамиз билан ҳамкорлик қилишни истовчи блогерлар ҳамда ижтимоий тармоқлардаги фаол журналистларга тахририятимиз эшиги ҳамيشа очиқ.



# ЯХШИ БОШЛАНГАН ЭДИ, ЛЕКИН...

СЎНГИ ПАЙТДА "MADANIYAT VA MA'RIFAT" ТЕЛЕКАНАЛИ КЎРСАТУВЛАРИ САВИЯСИ ТОБОРА ТУШИБ БОРЯПТИ

Урнимнинг йигирма йилдан зиёди Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси каналларида ўтди. Шу сабабдан бу даргоҳда бўлаётган воқеаларга, айниқса, телеканаллар фаолиятида кўзга ташланаётган камчиликларга бефарқ ёки бепарво бўлмайман. Бу гапларни ёзаяпману бошқа бир гап онгу шууримда айланади. Бир пайтлар бир донишманд кутилаётган ижтимоий ўзгаришлар ҳақида гапираётиб, лўнда қилиб айтган эди: "Ҳамма гапни айтадиган кунлар келади. Аммо, унутма бўтам, ўшандаям бу гапларни эшитадиган кулоқ топилмайди..."

2012 йилда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибиде Президент фармонида кўра ташкил этилган "Madaniyat va ma'rifat" телеканалнинг фаолиятдан кўзланган мақсадлар юксак эди. Мен айна ўша кунлар телеканал фаолиятини ташкил этишда бевосита иштирок этганимдан фахрланаман.

Иш бошлаганидан кўп ўтмай телеканал халқимизнинг назарига тушди. Қизиқарли ва мазмунли кўрсатувлари телерадиокомпания таркибидеги бошқа каналлардан яққол ажралиб турди. Унда фаолият юритган ижодий жамоа таркибиде телеканал мақсади ва вазифаларини теран англаган журналистлар кўпчиликнинг диққатига сазовор бўлгани ҳам сир эмас.

Ҳаммаси яхши эди... Аммо, кейинги йиллар менда "Madaniyat va ma'rifat" телеканалнинг фақат номигина қолди-микан, деган хавотир уйғонди.

Бу хавотир сабабларини англатиш учун 2019 йил мобайнида "Madaniyat va ma'rifat" телеканалнинг фақат номигина қолди-микан, деган хавотир уйғонди.

...Яқиндан бошлаб "Тундаликлар" кўрсатуви эфирга узатила бошланди. Ҳақиқатдан чиройли ном, чиройли йўналиш танланган. Устоз Асқад Мухторнинг "Тундаликлар" ига мос равишда яхши суҳбатлар бўлди. Кўп давраларда бу кўрсатув эфирроф ҳам қилинди. Катта-катта ёзувчиларимиз, олимларимизнинг мақтовига сазовор бўлди. Аммо... кўрсатув шу қадар кўп эфирга узатилдики (адашмасам ҳар куни эфирга узатилган вақтлар ҳам бўлди), суҳбатдошларни саралаш имкони қолмади. Бир ўрта ёш хонанда ё ўртаёна актёр билан бир соат давомида нимани гаплашиш мумкин, ахир? Кўрсатув "Тундаликлар" ми, суҳбатдошни ҳам шунга мос равишда таклиф қилишса, томошабинларни сентириб, ҳафтада бир ё икки марта эфирга узатишса бўлмасмикан, деб ўйладим.

...Бир муддат аввал телеканалда рус тилида олиб бориладиган кўрсатувлар ҳам пайдо бўлди. Уларнинг бирининг номига қаранг: "Ўзбекона ўзлик".

Кўрсатувнинг русча олиб борилиши ва унга атай қилгандай "Ўзбекона ўзлик" деб ном қўйишнинг ўзиёқ телеканалнинг айни пайтдаги ачинарли аҳолидан далолат бериб турибди. Фикримизча, рус тилида олиб бориладиган кўрсатувни бундай номлаш бориб турган нодонлик бўлса, аслида бунинг маънавий фожеа эканлигини англамаслик, аксинча, шунга очик-ойдин йўл қўйиш, томошабин кўз ўнгиде шу ишнинг эгаси, қаҳрамони сифатида намоен бўлиш — телеканал учун шармандаликдан бошқа нарса эмас. "Madaniyat va ma'rifat" нинг "танлаган" кўрсатуви ва номини қаранг! Ҳар қандай миллий тил миллат маданиятининг, маънавиятининг, санъатининг, қадриятларининг онаси саналади. Миллий қадриятларимиз, санъатимиз ва маданиятимиз номидан иш кўрайдиган телеканалда она тилига муносабат шуми?! Ушбу кўрсатув давлат тили ҳақидаги қонунийнинг ўттиз йиллигига қилинган туҳфами?!

Бу саволни телеканалнинг чучмал номдаги янги кўрсатувларидан бири бўлмиш "Сараланган саналар" ида ҳам кўндаланг қўйишга тўғри келади! Бундай жимжимадор номлар нега керак бўлиб қолди? "Сараланган саналар", "Тафаккурдан томган томчилар", "Маданий термин". Дарвоқе, "термин" сўзи ўзбекчага "атама" деб таржима қилиниши ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Ахир "маданий" деган сўзнинг ёнида ўзбекча мўқобили мавжуд бўлган русча сўз турса яхшимас-да. Қолаверса, телеканалда она тилимизга бағишланган бирорта ҳам лойиҳа йўқ. Ахир, ҳар қандай мафкуранинг асоси, энг аввало, она тили ҳисобланади-ку!

Энг қизиги, шу йилдан бошлаб компания каналларининг деярли барчасида рус тилида олиб бориладиган кўрсатувлар пайдо бўлди.

Ҳақиқатан ҳам рус тилида кўрсатувлар зарурати мавжуд бўлганида телерадиокомпания раҳбарияти халқ билан мулоқот қилиб, суриштирув ўтказиб бунинг нечоғлик заруратини аниқ билиб олиши, бу заруратнинг сабабларини очик-ойдин жамоатчиликка маълум қилиши керак эди. Яқинда она тилимизга бепасандлик қилиб, рус тилини давлат тили даражасига кўтаришга бўлган бир неча кимсалар уринишига жамоатчилик қандай жавоб берганини яққол кўрдик-ку, ахир! Бу ишни аслида мутлақ бошқача ташкил этиш лозим эди, яъни ҳақиқатан ҳам рус тилида кўрсатувлар зарурати мавжудлиги аниқланган тақдирда, ҳеч иккиланмай тўлиқ рус тилида фаолият олиб борадиган канал ташкил қилиш маъқул бўларди. Бошқа барча телеканаллар



қаердан топиб келишган? Телеканалнинг бадий кенгаши йўқми? Йўқ бўлса нега тузилмайди? Бор бўлса, у қаерга қараяпти? Умуман олганда, тушуниш қийин.

Бирор бир шоир, рассом ёки ҳайкалтарошнинг ойига беш марта ҳам эфирга кетиши мумкинлигини бир амаллаб ҳазм қилса бўлар (ажойиб шоирларимиздан бирини ой давомида ана шундай кетма-кет беришди), лекин айнан битта бошловчининг бир кунда уч-тўртта кўрсатувда кетма-кет чиқишини қандай "ютуб" бўлади. Дарвоқе, бу телеканалми ёки Youtubемми?!

(мен бу ўринда нафақат МТРК таркибидеги, қолган барча хусусий ва нодавлат телеканалларни ҳам назарда тутмоқдаман) фақат давлат тилида ишлаши шарт, деб белгиланиши лозим. Ана шундагина қонун билан ҳимоя қилинган давлат тилига бўлган муносабат ижтимоий маъно топарди, она тилимизнинг нураб этган мавқеининг тикланишига хизмат қиладиган бош омил ҳимояси таъминланган бўларди.

"Madaniyat va ma'rifat" концепцион нуқтаи назардан жуда кўп нарсани қамраб олган. Телеканалда она тилига бағишланган кўрсатув бўлмас-да, "зато", тиббиётга бағишлангани бор. "Бебаҳо бойлик" номли арзон-гаров кўрсатуви "тиббий маданият ҳақидадир-да", деб ўйлашингиз мумкин, лекин унда тиббий маданият тарғиботидан асар ҳам тополмайсиз. Шунчаки, тиббиётга бағишланган, холос. Тиббий маданиятга бағишланган кўрсатув билан шунчаки тиббиётга бағишланганини фарқлаб олиш қийин эмас. Соҳанинг исталган йўналишида гапирилаверади, бу интервью берувчилар учунгина жуда қизик ва аҳамиятли бўлса керак. Бунақа шаклсиз, йўриғи номаълум кўрсатувларга нима учун эҳтиёж туғилганини шахсан мен англолмадим. Хуллас, буям савияга бориб тақалади.

Яқинда мана шунақа чучмал ном остида яна бир кўрсатув ташкил этилди: "Дилга ташриф". Сал олдинроқ эрталаблари "Нонушта вақти" кўрсатуви кетарди, кейин у "Хуш кайфият" деб ўзгартирилди. Ана шу "Хуш кайфият" номли тонги кўрсатувда лабларини beautix қилдириб (шишириб), "ҳарир кўйлақлар" да чиқувчи узункиприк қизчалар энди бошқа янги кўрсатувларда пайдо бўлишмоқда. Ва... бу тажриба-сиз, нўноқ бошловчиларнинг дилимизга қилаётган ташрифларидан "тошнота" юз бераётир! Яъни, кўнгли айнимоқда! Уларни

Дарвоқе, мана бу ҳолга нима дейсиз: айтилик, "Маданият ангилликлари" да чиққан бошловчи орадан бир соат ўтар-ўтмас, "Яхшилик" кўрсатувини олиб боради, яна бир соат ўтмасдан, худди ўша бошловчи "Дилга ташриф" да хонадонимизга учинчи марта "ташриф буюради". Уч соатнинг ичиде-я! Ажаб, ушбу "Дилга ташриф" кўрсатувиде кетмайдиган мавзунинг ўзи йўқ. Аммо, ҳаммаси пала-партиш...

Сирасини айтганда, бугунга келиб "Madaniyat va ma'rifat" телеканалди дидсизлик, саводсизлик ва фаросатсизлик уясига айланган, пул илнжиде миллат болаларига "бакалажжа"нинг қопқоғини йўғдириб таъбир жоиз бўлса "маймун ўйнатаётган" телеканаллар даражасига тушиб бормоқда.

Аслида эса, "Madaniyat va ma'rifat" телеканалнинг мақсад ва вазифалари уни ташкил этиш давомида аниқ белгилаб берилган. Гап бу вазифани амалга оширишга қодир, лаёқатли жамоани қайта тиклай оладиган, салоҳияли, энг муҳими ҳалол, жүрчилик, маҳаллийчиликдан йироқ, она тилимиз равнақи учун жон куйирадиган, маърифатли ва маънавияти юксак раҳбарларни танлай олишда.

Хуриш ДАВРОН, Ўзбекистон халқ шоири



# ҚУЛФНИНГ КАПИТИ ТОПИЛМАЯПТИ

## ЎКИ КАПИТ ҚУЛФГА ТУШМАЯПТИ

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ МИЛЛИЙ  
ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА  
НАҚАДАР МОС ВА ХОС?

< Давоми.

Бошланиши ўтган сонда.

Қадриятларимизнинг кўринишларидан яна бири — қиз боланинг тарбиясига алоҳида масъулият билан ёндашилгани. Бекорга уч қиз ўстирган онага жаннат ваъдаси берилмаган.

Қиз бола алоҳида ҳилқат экан. Набираларнинг қилиқларини кузатиб, шундай хулосага келдим. Ўғил болалар дангалчи, "йирик", унча-бунча нарсага эътибор қаратавермайди. Қиз набиралар эса шунчалик "майдакаш"ки, қаҳванинг ширин ёки сутлиги, ҳатто нави ҳам уларнинг эътиборидан четда қолмайди (ҳолбуки, 3-4 ёшли ўғил бола қаҳвани билмаслиги ҳам мумкин ёки ширин чой ичиб кетаверади). Кийим танлашда ҳам шунчалик "инжиқ", дидли.

Уларни кузатиб ўтириб, Яратганининг буюк ижодига таҳсин айтмай илож йўқ: шаклсиз, дағал дунёга зеб бериш, оҳанграболи қилиш учун аёлларни яратган. Шунинг учун қиз болани кўз қорачиғидек авайлаб ўстириш жоиз экан. Чунки "Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам — хотин" деган ҳикмат ҳам бекорга пайдо бўлмаган...

Қадриятларимизда қиз бола, айниқса, вояга етган қиз улғаяётган хонадонга ўзгача ҳурмат билан қаралган. Унинг дарвозаси олдида анлангламай, майин қадамлар билан ўтилган, мабодо, челақ турган бўлса, ҳаялламай сув тўлдириб келтирилган. Қизлар улғайиши билан оиланинг ички тартиблари ҳам ўзгариб, ҳаё-ибо устувор бўлиб борган. Қизларнинг хонасига ўғил болалар киравермаган ва бундай кичкина туюлган, лекин замирида катта маъно яширинган тарбия усулларини кўплаб келтириш мумкин (ота-она жанжаллашмаган, ўғил болалар сўкинмаган ва ҳоказо). Уларга болалигидан оила шаъни, обрўси, макъам уқтириб борилган. Жумладан, майда-чуйда гапларни кўчага ташийвермаслик, икир-чикирларга эътибор беравермаслик, ака-укалар ўртасида "қози"лик қилиш, уларнинг хийим-бошларини йиғштириб юриш сингари одатлар сингдириб борилган. Меҳнатга ўргатиб борилган: челақчасида сув ташийди, онасига хамир қорихида кўмаклашади, кўғирчоғига "алла" айтади... Хуллас, қиз бола оиланинг бекаси, "дарёнинг тўғони"

бўлишга болалигиданоқ тайёрланган. Ростдан ҳам, бир қиз келажақда бир рўзгорнинг, оиланинг, тақдирнинг эгаси, уни бор ҳам қилади, йўқ ҳам қилади. Мана, моҳият.

Шундай экан, қиз боланинг тарбиясига нафақат оилавий, балки умумжамоат масаласи сифатида қаралмоғи лозим. Ана шу ўринда маҳалла маслаҳатчиларию, хотин-қизлар кўмиталари фаолларининг вазифаси аниқ бўлиб қолади. "Қизли уй — фариштали уй" тамойилига амал қилиб, алоҳида эътибор билан қараш, қизлар улғаяётган хонадонларга ҳам маънавий, ҳам моддий эътиборни кучайтиришдан келажагимиз фақат ютиши мумкин.

Анигини билмадим-у, бироқ ажралишларнинг босим қисми аёлнинг ташаббуси билан бўлаётгани сир эмас. Бунинг сабаби — қиз бола гўдаклигидан турмушга тайёрланмагандан эмасми? Халқимизда "Яхши келин кўшнисидан ип сўрайди, ёмон келин кўшнисидан нон сўрайди" деган гап бор.

Аёл — муқаддас. Қайсидир файласуф айтганидек, у гўзаллиги ва меҳри билан дунёни кутқариши мумкин. Айни пайтда атрофдагилар унга лоқайд бўлса, дардини тингламаса, орзу-ўйлари билан қизиқмаса, бунинг акси бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Ип сўрагани бичиш-тикиш қилиб, оиланинг камини тўлдиришга қиршигани билдирса, нон сўрагани рўзгорнинг қашшоқлигини кўчага олиб чиққан, ночорлигини, укувсиялиги ошкор қилиб қўйган ҳисобланади. "Оила институти" ана шундай майда-чуйдалардан ташкил топадики, унда ҳеч бир нарсанинг ўрни беиз эмас. Демак, ниҳолни бошдан тўғри парвариш қилиш, у эгилиб қолгандан кейин "тўғрилайман" деб зўр бериш, жоиз эмас.

Муаммо қаршида довдираб қолиш керак эмас, балки унинг туб

илдизларини излаб, маънавий ҳазинамиздан давосини топиш лозим. Шўро замонидан қолган кампаниячилик, игна билан битадиган ишга белкур ак олиб чопишлар ярамайди. Оқибатда нима бўлаяпти: баъзи савияси паст кўрсатувларда миллий қадриятларимиз масҳара қилинаяпти, "қайнона-келин" деса, лабга учуқ тошиб кетадиган бўлаяпти. Турмушда омади келмаган (масалан, ажралган) бошловчининг айнан шу мавзу юзасидан ақл ўргатаётганини ёки ҳали фаразд кўрмаган қизнинг чақалоқни тарбиялаш юзасидан тавсиялар бераётганини қандай тушуниш мумкин?


Умуман, оммавий ахборот воситаларида, айниқса, миллионлар минбари бўлган телевидениеда хотин-қизлар мавзусида гап очганда мантиқни эсдан чиқармай, ўзбекона ҳаё, уят тушунчаларини ёдда тутиб, худди ўз онаси, синглиси, қизи ҳақида гапираётгандек андиша сақлаб сўз айтиш лозим. Бир каналда хабарлар дастурида бир неча марта қайта-қайта "Уйда фоҳишахона очган аёл кўлга тушди. Бу ҳақда сал кейинроқ" сингари анонс берилди. Гумроҳлик ҳам шунчалик бўладими? Ахир, қулоқларимиз, кўзларимиз шу йўсин фаҳш нарсаларга ўрганиб бормаётми? Бир пайтлар (узр!) "фоҳиша" деган сўзни айтишга истиҳола қилардик. "Қонни қон билан ювмайдилар" дегандек, аччиқни аччиқ кесмайди, бундай иллатлар ҳақида ўшанча юксак маданият билан, моҳиятга разм солиб мулоҳаза юритиш жоиз. Шунда тарбиясизлик тарбиядан шифо топса ажаб эмас. Сочи юлинган, ёқавайрон бўлган аёлларни кўрсатиш шарт эмас, ўшалар униб-ўсган оила, қишлоқ, маҳалла юзасидан фикр юритиш мумкин-ку! Ахир улар ердан униб

чиқмаган, осмондан тушмаган, шу заминда улғайган. Шундай тубан ҳолдан ўшаларнинг ота-онаси хабардорми ва улар ўзининг қилиғи қанчалик пасткашлик эканини, элулусда бир умр бети шувит бўлишни биладими? Катта шаҳар, "арқондан бўшалиб" келган, қилиғининг оқибатини ўйламай, билганини қилиб юрибди. Мана, иллатнинг илдизи. Ҳайтовур, ҳали одамзот хаёлий жаннатни рўёбга қақариб улгурмади, ҳали кескин, шифатсиз чораларни талаб қилувчи иллатлар етарли.

Кейинги мулоҳаза шуки, ҳаётда ҳамма нарса рўй бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, бу масалада ортиқча даҳмазаларга ўрин қолдирмаслик ёки уларни чеклаш мақсадида Оила шартномасини амалга киритиш маъқулдир. Фақат уни ихтиёрий қилиб қўйиш, томонларнинг маънавий-шахсий қадриятларига даҳл қилмаслик лозим бўлар. Албатта, бундай ҳужжат олдиндан, никоҳгача, ўзаро келишилган ҳолда тайёрлангани маъқул.

...Жамиятимизда улкан ўзгаришлар рўй берапти. Ҳаммада бир сергаклик, юксак умидлар палак ёзган. Жамиятда гўё нур оқими кучайган. Маълумки, ёруғлик ошса, пана-панада ётган қора доғлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Ана шундай шароитда бизнинг энг олий, ҳатто муқаддас қадриятимиз бўлган оила борасида ҳам баъзи ишқаллар кўзга ташланиб қолаётган экан, муаммо қаршида довдирамай, унга оммавийлик тусини бермай, ҳар бир кишининг, жумладан, боши айланиб қолган ёш келин ва кувёнинг ҳам шаънини ҳурмат қилиб, масалая ёндашилса (дардининг давоси ўзидан топилса), ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Негаки, шунчалик бой ва теран маънавий ҳазина ардоғида улғайган одамлар турмушнинг кичкина, шу билан бирга катта синови олдида ўзини йўқотмаслиги лозим. Зеро, буюк боболарнинг бугунги авлодларига дунё аҳли ҳам ҳавас билан, ҳам синовчан кўз тикиб турибди.

ҲАКИМ САТТОРИЙ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
ююшмасининг аъзоси





(Давоми. Боши ўтган сонда)

...Эл-юрт орасида ҳурматга сазовор инсонлардан бири оламдан ўтди. Эртаси куни фотоҳага кўп одам йиғилди.

Катталар бир-бирлари билан кучоқлашиб ё кўл бериб ҳамдардлик билдирдилар. Ёшлар эса... марҳумнинг фарзандлари билан "шохлашиб" — бир-бирига қалла уриштириб таъзия изҳор қилдилар. Ана ҳоло! Бу ҳам миллий урф-одатларимиздан бирига путур етаётгани эди.

Агар фарзандлари хотирасини шу тарзда "эслашлари"ни билганида ота бечора ўлмасмиди?.. Ўлим эса ҳамаша ҳақ! Биз тириклар уларнинг хотирасини урф-одатларимиз билан эъзозлайлик.

\*\*\*

Сўнгги пайтларда болалар ва ёшлар тарбияси ҳақида кўп гапирляпти. Уларни ундоқ тарбиялаш, бундоқ тарбия бериш керак, деймиз, куюниб гапирамиз. Аслида уларнинг ота-оналарини тарбиялаш лозим. Қиздан олдин унинг онасини тарбиялаш зарур, деб ҳисоблайман. Баъзан ёш қизларнинг бачкана кийинишларини кўриб, эсанг қотиб турганда унинг ёнидаги онасининг "модний" кийинганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Баъзан онасининг ёнида ундан-да ўтказиб кийиниб олган "мода хуштори" — бувисининг кийимидан йиқилиб тушай дейсиз. Қанчалар уринманг, пардоз-андоз қилманг, модалар гирдобига ботманг, барибир кетган хусни қайтариб бўлмайди.

Буларнинг ҳаммаси тақлиддан бошқа нарса эмас. Ўзи одамларимизнинг табиатида тақлидга ўчлик бор. Масалан, оддий шим гипчабел, озгин аёлларга ярашар ва буни қабул қилса бўлади. Лекин ҳаддан зиёд семиз аёлни шим кийишга ким ва нима мажбур қиляпти?

У шимни кийиб-ечиш азоби ҳам бор-ку. Ана шундай кекса онахонлардан бири тор шим кияман, деб йиқилиб оёғини синдириб ҳам олибди. Буни-сига нима дейсиз?

Гапнинг ўрни келганда бир мулоҳазани айтишни лозим топдик. Кейинги пайтларда тўйларга хотин-қизлар, айниқса ёш келинлар, жувонлар шу қадар тор кўйлақлар кийиб боришяптики, уларни кўриб нигоҳингни қаерга олиб қочишни билмай қоласан, киши. Ва саволлар ҳам қунондай чирмаб олади: қачон аёлларимиз

# ТАРБИЯ ФАРШТАЛАРИ

Биз уларни асраб-авайлайлик



қилган ҳолда, айрим тарбиясиз, молпараст, кийимпараст, кўпол, кўрс келинлар қаердан пайдо бўлаётганига ҳайрон қоласиз. Уларни ким тарбия қилган?

Кўйди-чиқдилар, ажралишларга кўпроқ ана шундай тарбиясиз, маданиятсиз ва сабрсиз келинлар сабабчи бўлаётгани ҳам айна ҳақиқат. Бундайлар учун алла — ўйинчоқ, эр — кўлқоп, қайнота-қайнона — ўтмиш сарқити. Тарбиясиз онанинг "тарбия"сини олган бола отаси ёки бобосининг соқолидан тортишга асло ҳаққи йўқ.

елкасини ярим очиб, кўкракларини кўрсатиб давраларга чиқиб ўйинга тушганлар? Қачон?! Умуман, эркаклар қаёққа қараяптилар? Жамоатчилик-чи? Бу шармандаликка қандай чидаб келаётир? Уят, хаё бозори касодга учрадимиз?

Баъзан автобусда, метрода, бекатларда ўта европача кийинган ўзбек қиз-жувонларини кўриб, уялиб кетамиз. Улар эса тап тортмай кўзларингга тик қарайди. Уларнинг кўзларида ҳаё, ўзларида уят йўқ...

Биз ҳамаша аёлни, онани улуғлаймиз. Улар ҳам бу эъзоз ва ҳурматга сазовор бўлганлар.

Гапнинг лўндаси, бизни кўпроқ қизларимизнинг бачкана кийинишлари, кўча-кўйда, жамоат жойларида очик-сочик юришлари, ўзларини ҳар кўйга солишлари жиддий ташвишга солаётир. Қизларимиз бўлажак оналар-ку! Миллатнинг келажоғи соғлом, ақлий ва маънавий етук фарзандларимизга боғлиқ эканлигини унутмайлик.

Атлас кўйлак, дўппи кийган қизларни фақат телевизорда кўрсатишда (суратга олиш пайтида миллий кийимларни кийиб келиш талаб этилса керак-да!). Нера ҳар доим эмас. Бу кўзбўямачилик, ёлғон кимга керак?..

Аёл тарбияси ҳақидаги мулоҳазалар оила масаласига келиб тақалади. Яхши, одобли, ҳаёли келин-куёвларни "қўша-қаринглар" деб дуолар

Бу жиддий масалаларда эркаклар ва йигитларни ҳам четлаб ўтмоқчи эмасмиз. Назаримда жамиятда эркакларнинг нуфузи анча пасайиб кетганга ўхшайди.

Эркакнинг сўзи кесмай кўйди. Айрим эркакларнинг важоҳатидан хотини эмас, ҳатто мушук ҳам сесканмайди. Энди бу мураккаб ҳолатнинг эркакларга боғлиқ бўлмаган сабаблари ҳам кўп... Бечора эркак нима қилсин?

\*\*\*

Шу ўринда бир мулоҳаза: мактаблар ва олий ўқув юртларига ўзимиздан чиққан буюк алломалар, дунё тан олган олимлар, ижодкорлар, санъаткорлар номларини беришни қайта тиклаш керак. Бунинг ҳам маънавий, ҳам тарбиявий аҳамияти жуда катта. Масалан, сўнгги йилларда таниқли ижодкорлар номидаги ижод мактабларининг ташкил этилганлиги тарихий воқеа бўлди. Масалан, мактаб ё лицейга бирор аллома, олим, ёзувчининг номи берилса, биринчидан, ўша табаррук инсон номи ҳар куни тилга олинади, иккинчидан, ўша инсоннинг ҳаёти ва фаолиятига оид махсус хона ташкил этилса, ўқувчилар ундан баҳраманд бўладилар. Унинг илмий ёки ижодий фаолиятига қизиқиб, ўзлари ҳам ўша соҳаларни танлашлари мумкин. Яна бир жиҳати агар номи қўйилган машур авлодлари бўлса, улар таниқли отаси ёки онасининг номи қўйилган мактабга шахсий кутубхонасидан китоблар совға қилишлари ёки мактабни бирор зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланишида ёрдам беришлари мумкин. Ҳар йили номи берилган инсоннинг туғилган куни муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади...

Бизда барча соҳанинг дунё тан олган ўз алломалари, етук олим ва ижодкорлари бор. Уларнинг муборак номлари ўқув масканларига берилса арзийди. Бу эъзу ишни ниҳоятда талабчанлик билан амалга ошириш озим. Кўйиладиган қатъий талаб жуда баланд ва юқори бўлиши керак.

Бизнинг тақлиф сифатида айтаётган фикримиз, айниқса, ёшлар орасида маънавий тарбиянинг юксалишига хизмат қилди, деб ўйлаймиз. Табаррук номлар — табаррук авлодларни тарбиялайди.

\*\*\*

Дўстимизнинг тўйида амри-маъруф қилган

домла шундай бир ачинарли воқеани айтиб берди:

— Бир маҳаллада ота-онаси ўтиб кетган етим қизни турмушга узатишибди. Тўйга ўша маҳаллада яшовчи тўрт-бешта ўзига тўқ оилаларнинг эгалари ҳомийлик қилишибди. Ош сўнггида дуо қилмоқчи бўлсам, қўлимга бир нечта исм-фамилиялар ёзилган қоғозни беришди. Улар ҳомийлар экан. Номларини айтиб ҳақларига дуо қилдик. Ўша онда бир одам кутилмаганда даврага виқор билан кириб келиб, қўлимдаги қоғозни жаҳл билан олиб, кўз югуртириб чиқиб, зарда билан, "ким тузди бу рўйхатни? Мен тўйга ҳаммадан кўп ҳисса қўшганман", — деб қанчадир суммани айтди. Фамилияси рўйхатга кирмаганидан жаҳли чиқди. Қоғозни ғижимлаб, олдимга ташлади. Ва ўша виқор билан тўйхонадан чиқиб кетди.

Аслида эҳсон, садақа ном чиқариш, обрў орттириш учун қилинмайди. Бу савоб учун беминнат қилинади. Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасан, деган ҳикматли гап ҳам бор. Билиб қўйинглар, ҳеч бир эҳсон миннат учун берилмайди. Аслида чин юракдан, пок қалб билан ва ҳеч кимга билдирмай қилинган эҳсонни Аллоҳ даргоҳида қабул қилади...

Афсуски, орамызда тўрт-беш сўм орттирган айрим бойваччалар босар-тусарини билмай қолишяпти. Арзимаган эҳсон қилсалар ҳам кўкракларига уриб доврўғ соладилар. Садақа бериб ном орттирмоқчи бўладилар.

Имом Абу Хамид Ғаззолий ёзади: "Берилган садақани миннат қилишдан ҳам қочиб керак". Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло буюради: "Эй имон келтирганлар! Молини одам кўрсин деб берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, (берган) садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!" (Бақара сураси, 246-оят).

(Яқуни келгуси сонда)

Ашурали ЖўРАЕВ,  
адиб

# ВИЛОЯТДАГИ “ЗУР МАКТАБ”ЛАР ЭШИГИ “БЕГОНА” БОЛАЛАР УЧУН ЁПИҚМИ?

Фарзанди мактаб ёшига етган ота-она борки, янги ўқув йили бошланиши арафасида уни умумтаълим муассасасига жойлаштириш тадоригини кўради. Ана шу жараёнда, қишлоқларда бу жиҳат кўп кўзга ташланмаса-да, шаҳарларда мактаб танлаш истаги устунлик қилади. Бинобарин, ҳар қандай ота-она ўғил-қизининг яхши жойда ўқишини хоҳлаши табиий. Бунда улар танлови асосан “номдор мактаб”лар маъмуриятлари томонидан “сизнинг яшаш жойингиз бизнинг микроҳудудга кирмайди” ёки “болангиз 31 августга қадар 6,5 ёшга тўлмас экан” қабилидаги вазилар билан рад этиб келинади.

**Хўш, бу каби чекловларда қанчалик асос бор?**

Тан олиш керак: бизда “ўқитиш сифати яхши” дея номи чиққан мактаблар жуда ҳам кўп эмас. Шунинг учун аксарият умумтаълим муассасаларида 1-синфга қабул ўз маромида давом этаверади-ю, кам сонли мактабларда бу жараён га-ла-говур ичида кечади. Бу орада пул, таниш-билиш “тиқиштириб”, “йўл”ини топиб боласини ўша номдор мактабга жойлаган қанча-ю, истаги рўёбга чиқмай, норози юрганлар қанча?

Ана шундай ҳолатлар инobatта олинб, бу йил болаларни умумтаълим муассасаларига қабул қилишда бир қатор ўзгаришлар қилиш юзасидан кенг муҳокама бўлди. Ҳатто 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳридаги 81 та умумтаълим муассасасининг 1-синфга қабул асосий ва қўшимча квота орқали амалга ошиши кўзда тутилди.

Халқ таълими вазири бундай тўхтамга келингани сабабини изоҳларкан, ҳар йили турли “муҳим ва таъсири катта” ташкилотларда ишлайдиган шахслардан фарзандларини “нуфузли мактаб”га жойлаш тўғрисида “қаттиқ илтимос”лар бўлиб туришини маълум қилган эди. Болани “нуфузли мактаб”га жойлаш учун ота-оналар воситачилар ва таълим тизимидagi айрим нопок кимсаларга “ҳаммага маълум” миқдорда пул тўлашгани, энг ёмони, бу ишлардан мактаб микроҳудудида яшаб туриб, фарзандини ўша мактабга беролмаганлар жабр чекканини айтганди.

Шунга кўра, эндиликда туман (шаҳар)лар ҳокимликлар томонидан умумтаълим муассасаларига бириктирилган микроҳудудда истиқомат қила-

ётган фуқароларнинг фарзандлари, отаси ёки онаси 1-гуруҳ ногирони бўлган ҳамда етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонини инobatта олган ҳолда — асосий квота шакллантирилади. Қўшимча квота эса умумтаълим муассасалари имкониятидан келиб чиқиб, микроҳудуддан ташқарида истиқомат қилаётган мактаб ёшидаги, микроҳудуд ва микроҳудуддан ташқари мактаб ёшига етмаган (тегишли йилнинг 1 сентябрига қадар 6 ёшга тўладиган), шунингдек, умумтаълим муассасаларида таълим бериш тили бўйича бошланғич билим (мулоқот қилиш) кўникмасига эга бўлмаганлар учун ажратилади.

Шундай экан, бу борадаги муносабатлар худудларда қандай ҳал қилиниши керак?

Вилоят марказидаги “нуфузли мактаблар” маъмуриятлари “сизнинг яшаш манзилингиз бизнинг микроҳудудга кир-

**Масала ечимида қарорнинг аҳамияти катта, бироқ бу — ҳаммаси ҳал бўлди, дегани эмас. Чунки тартиб жорий йил фақат пойтахтдаги 81 та мактаб учун амал қилади. Вилоятларда эса бу муаммолигича турибди, сабаби, микроҳудуддан ташқарида ўқитишга эҳтиёж пойтахтдагидек бўлмаса ҳам (масалан, Қарши шаҳрида) ўзига яраша даражада юқорилгича қолмоқда.**

майти” қабилидаги чекловни Қарши шаҳар ҳокимининг 2016 йил 3 августдаги “Қарши шаҳар худудидagi умумий ўрта таълим мактабларини маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ширкатларга худудий бириктириш тўғрисида”ги қарори билан изоҳламоқда.

Демак, савол туғилади: хўш, ушбу қарор муайян мактабнинг 1-синфига белгиланган микроҳудуд ташқарисидан бола қабул қилишда чеклов жорий этиш ҳуқуқини берадими? Йўқ. Яъни, Қарши шаҳар ҳокими қарорининг 1-бандида “шаҳар худудидagi умумий ўрта таълим мактаблари жойлашган худудлардан мактаб ёшидаги болаларнинг аниқ ҳисобини олиб бориш ва уларнинг мажбурий таълимга тортилишини таъминлашда шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ширкатларига иловага асосан ўз худудларида жойлашган мактаблар тавсия этилсин”, деб кўрсатилган. Бундан аён бўладики, ҳокимнинг қарориде кўрсатилган ушбу “талаб” тавсиявий характерга эга.

— Тўғри, бу борада ҳеч қандай чеклов мавжуд эмас, микроҳудуддан ташқаридан ҳам муассаса имкониятидан келиб чиқиб, мактаб ёшига етган болалар 1-синфга олинаверади, — дейди Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Беҳзод Жўраев. — Ҳокимлик фақат микроҳудуд чегарасини белгилаб беради. Шунга кўра, биринчи эҳтиёж микроҳудуд доирасида қопланиши керак. Пойтахтда ҳам бундай муаммо мавжуд бўлгани учун апробация тарикасида микроҳудуд қопланиб бўлганидан кейин ўша худудга қўшимча квота ажратилиши белгиланган.

Кўриниб турибдики, шаҳар ҳокимининг тегишли қарори вилоят марказидаги умумтаълим мактабларида 1-синфга қабул бўйича ҳеч қандай чеклов

жами 64 минг 48 нафар бола қабул қилиниши, уларнинг 59 минг 798 нафари 7 ёшда, 4 минг 250 нафари олти ярим ёшда бўлиши кутилмоқда. Бунда 31 августга қадар 6 ёшга тўладиганлар назарда тутилмаган.

Савол туғилади: борди-ю 6 ёшга тўлиб, 6,5 ёшга етмаган бола мактабга боришга ҳар томонлама тайёр бўлса, у 1-синфга қабул қилинадими ёки йўқ?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низоми 42-бандида тегишли йилнинг 31 августига қадар 6,5 ёшга тўлмаган, 1-синфда ўқиш истагини билдирган болаларнинг ота-оналари билан умумтаълим муассасасининг педагог ходимлари ва психологи томонидан болани мактабда ўқишга жисмонан ва руҳан тайёрлаш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилиши кўрсатилган, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи Мавлуда Тошева. — Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 469-сонли қарориде ҳам умумтаълим муассасаларига бириктирилган микроҳудуд бўйича тегишли йилнинг 31 декабрига қадар 7 ёшга тўладиган болалар қабул қилинади, дея кўрсатилган.

Бошқарма бўлим бошлиғи назарда тутатган низоми 42-бандида умумтаълим муассасалари 1-синфига 6-7 ёшли (эътибор қилинг: 6,5-7 ёшли, деб ёзилмаган) болалар тиббий хулосага мувофиқ қабул қилиниши белгиланган. Ушбу низоми талабининг алоҳида кўрсатиб ўтилган қисмини ҳам қайта му-

шоҳада қилиб кўринг. Агар бола тегишли йилнинг 31 августига қадар 6,5 ёшга тўлмагани учун мактабга қабул қилинмайдиган бўлса, болани ҳозирдан жисмонан ва руҳан ўқишга тайёрлашдан на ҳожаат?! Ахир, у кейинги ўқув йили бошлангунга қадар яна бир ёшга улғайиб, 7 ёшдан ҳам ошадими-ку! Манتيқ қани?

Масъул ваҳ қилиб кўрсатган иккинчи (469-сонли) қарор “Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” бўлиб, биринчидан, ушбу регламент ҳали бизда амал қилаётгани йўқ. Боз устига қўшимча квота айнан 1 сентябрга қадар 6 ёшга тўладиган болалар учун ажратилиши кўрсатиб ўтилган. Демак, у пойтахт бўладими, ё вилоят, шунга эҳтиёж бор ва бола 6

ёшда ҳам ўқиб кета оларкан.

Очиқ айтиш керак, бу ҳолни айрим мактабларнинг 1-синфига қабулда “сунъий тўсиқ” ўрнатишга уриниш сифатида баҳолаш мумкин бўлиб қоляпти. Ваҳоланки, аслида ҳар ким хоҳлаган жойида ўқиш ҳуқуқига эга. Аммо ҳаммани битта ёки кам сонли мактабга жамлаб бўлмаслиги ҳам ҳақиқат.

Хўш, унда нима қилиш керак?

Фикримизча, қолган мактабларда ҳам ўқитиш сифатини жадал яхшилаш чораси кўрилмаган экан, “нуфузли” умумтаълим муассасаларининг 1-синфига қабул жараёни ва унинг атрофида муаммолар, турли талқин ва гап-сўзлар урчиқверди. Бола эса ўқиши шарт. Буёғи янги ўқув йилига ҳам яқин қолди...

**Беҳзод САЙФИЕВ,**  
журналист





## ЕВРОПА

### КИБЕРҲУЖУМ ОСТИДА(МИ?)



Европа Иттифоқи ўзининг алоқа тизимида камчилик ва нуқсонлар мавжудлигини тан олди. Брюсселдаги матбуот анжуманида Huawei компаниясининг 5G технологиясини жорий қилиши ягона рақамли бозор учун хавф туғдираётгани айтилди. Чунки Европа Иттифоқи аъзо давлатлар умумий киберҳужум тизимига эга эмас. Бу ҳақида "interfax.ru" сайтида хабар берилди.

Европа Иттифоқининг Хавфсизлик бўйича комиссари хитойлик ҳамкорларнинг тақдирини жиддий текшириш лозимлигини билдирди.

— Huawei компанияси бўйича тортитувлар юзга келгани бежиз эмас. Бу, энг аввало, хитойликлар бизнинг бозорда эришган муваффақият билан бевоқифлик, — дейди Европа Иттифоқининг Хавфсизлик бўйича комиссари Жулиан Кинг. — Хитой Халқ Республикаси элчиси билан учрашганимизда биз ички бозоримиз учун туғилдиган хавф-хатар даражасини аниқлашга ҳаракат қилаёт-

ганимизни айтдик. Huawei сингари йирик компаниялар бизнинг асосий етказиб берувчиларимизга айланмоқда. Шу боис улар бизнинг талаб ва тақлифларга тўлақонли жавоб бериши керак.

Европа Иттифоқи ўз аъзоларидан 5G технологиясини ишлаб чиқарувчилар томонидан келувчи хавфни мустақил баҳолашга чақирди. Айни пайтда бунга 24 давлат ўз хулосаларини тақдим этган.

Мутахассислар агар телекоммуникация тизимида унинг монополияси тан олинса, Хитой Европада рақамли технологиялар колониясига айланиши мумкин. Европа Иттифоқининг хавфсизлик бўйича масуллари декабрь ойида Канадада Huaweiнинг менежери Мэн Ваньчжоу қўлга олинганидан кейин сергак тортиб қолган. Айни пайтда ЕИ ушбу корпорация ва Россия ўртасидаги алоқалар қай даражада эканини аниқлашга уринмоқда.

## БМТДА УКРАИНА ИШЛАРИ БЎЙИЧА МАХСУС ЭЛЧИ ЛАВОЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ МУМКИН

Польша ташқи ишлар вазир-ри Яцек Чапутович Бирлашган Миллатлар Ташкилотида БМТ Бош қотибининг Украина ишлари бўйича махсус элчиси лавозими жорий этилиши мумкинлигини таъкидлади, деб хабар бермоқда РИА Новости.

— Бу ҳақда ҳозирча қарор қабул қилингани йўқ, бироқ муҳокама давом этмоқда. Украина ҳукумати бундан миннатдор эканини маълум қилмоқда, — деди Чапутович.

Польша ташқи ишлари вазир-



Украина ҳукумати 2014 йил февралдаги давлат тўнтаришидан сўнг ўзини мустақил деб эълон қилган Луганск халқ республикаси ва Донецк халқ республикаси билан ўша йилнинг апрель ойидан бошлаб ҳарбий ҳаракатлар олиб

борапти. БМТ маълумотларига кўра, ушбу қарама-қаршиликлар оқибатида 13 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган.

ри махсус элчининг мажбуриятларидан бири Украина шарқидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишдан иборат эканини алоҳида таъкидлаган.

## ИККИНЧИ УРИНИШ ҲАМ ИШ БЕРМАДИ

Испания парламентининг куйи палатасида мамлакат Бош вазир лавозимига Испания социалистик ишчилар партияси раҳбари Педро Санчес номзоди илгари сурилди. Санчес 2018 йилнинг июнь ойидан ҳукумат раҳбари сифатида фаолият юритаётган эди ва ўз лавозимида ишлашни давом эттиради. Агар у қайта сайланса, Вазирлар Маҳкамаси таркибини янгилаши мумкин. Испания парламентида Санчес номзоди учун икки марта овоз

бериш ташкил этилди: 23 июль куни бўлиб ўтган турда у ғалаба қозониш учун камида 176 та овоз олиши керак эди. Бироқ қўтилганидек бўлмади. 25 июлда кўпчиликнинг овозини йиғиш талаб этиладиган иккинчи тур ўтказилди. Санчесни 350 депутатдан 124 нафари қўллаб-қувватлади, 155 нафари қарши овоз берди, 67 нафари бетараф қолди. Бошқа депутатлар сайловда иштирок этмади.

Санчес иккинчи уринишда ҳам бу ла-



возимга қайта сайланмаса, унинг партияси ва бошқа сиёсий кучлар Испания қироли Филиппе VI билан учрашади. Бу учрашув натижасида Педро Санчес Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш учун яна бир имкониятни

қўлга киритиши мумкин. Акс ҳолда Вазирлар Маҳкамаси таркибини янгилаш ҳуқуқи унга рақиб — Халқ консерватив партиясига ўтиб кетиши мумкин.

Агар ҳукумат шу йилнинг 23 сентябрига қадар шакллантирилмаса, янги сайлов ўтказилади.

## КИПРДА МУҲОЖИРЛАР МУАММОСИ



Кипр давлати 1974 йилда иккига бўлиниб кетган. Ҳозир оролнинг шимолий қисми Туркия таркибига киради, деб ёзмада "eu.ignews.com" сайти.

2016 йилдан буён оролнинг жанубий қисми (Европа Иттифоқи аъзоси) муҳожира оқимидан азият чекмоқда. Бугунги кунга келиб Кипр Республикаси ҳар ойда 1 мингга яқин бошлана сўралган мурожаат қабул қилмоқда. Муҳожира оқимининг асосий қисми Ироқ ва Суриядан келмоқда. Айни чоғда бу ерда 15 мингга яқин муҳожира бошпанасиз ҳаёт кечиряпти.

Кипр ички ишлар вазирлиги Туркия нега Европанинг бошқа давлатларидан рад жавобини олган муҳожира оқимини қабул қилаётгани, Кипрдан келаётган муҳожира оқимини қабул қилмаслик сабабларини тушунтирди.

— Туркия Европа Иттифоқи билан суриялик қочқинларга бошпана бериш тўғрисида келишув имзолаган, — дейди Кипр ички ишлар вазирлиги Константинос Петридис. — Лекин бу келишув Кипр учун қўлланмайди. Негаки бизнинг оролдаги сиёсий қарашларимиз турлича ва Туркия Кипрни тан олмайди.

## ГРЕНЛАНДИЯ АНОМАЛ ИССИҚ ТУФАЙПИ ЗРИМОҚДА



Қайд этилишича, фақатгина июль ойида Гренландия сирти буғланиши туфайли 160 миллиард тонна музни йўқотган. Ёз бошланишига қадар оролда об-ҳаво

аномал даражада исимаган эди. Бу ой ўрталарида арктик музларнинг эришига олиб келди, уларнинг майдони шу даражада қисқардики, антирекордни уришига бир баҳа қолди.

Қарама-қарши томондан Арктика муз океанини Сибир, Аляска ва Канададаги ўрмон ёнғинлари иситади.

### Муҳторбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши партиядан халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашига сайланган депутат **Шухрат ТУЛАЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

# ҲАДИС ИЛМИ МАКТАБИ

унга илк бор 10 нафар талаба қабул қилинди

Буюк алломаларимиз асос солган ҳадис илми анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш, улар қолдирган бой илмий меросни ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ташкил этилган Самарқанддаги Ҳадис илми мактабида ўқиш учун 56 киши ариза топширган эди. Уларга имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўриши учун ёрдам кўрсатиш мақсадида Тошкент ислом институтида тайёрлов курси ташкил этилди. Бу ерда абитуриентлар Тошкент ислом институти ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг малакали профессор-ўқитувчилари томонидан араб тили, "Ҳадис истилоҳлари", "Ҳадис шарҳлари" фанидан сабоқ олишди.

Ҳадис илми мактаби абитуриентлари "Ҳадис" ва "Мусталаҳул ҳадис", араб тилидан ижодий имтиҳон топширдилар ҳамда "Ўзбекистон тарихи" дан тест синовидан ўтди.



Мактабда ўқиш муддати беш йил бўлиб, у кундузги таълим шаклида олиб борилади. Бу ерда "Ҳадисшунослик" таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасидаги кадрлар тайёрланади. Ҳадис илми мактабида тафсир, ҳадис, фикҳ фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўтилади. Талабалар Қуръони

карим, тафсир, ҳадис, ҳадис шарҳи, аҳкомул ҳадис, мусталаҳул ҳадис, жарҳ ва таъдил, таҳриж ва диросатул-асонийд, илалул ҳадис, ақоид, фикҳ, усулул фикҳ, мерос илми, араб тили, мантик, тасаввуф, Исломи тарихини мукаммал ўзлаштирадилар.

Машғулотлар замонавий педагогик технологиялар, шунингдек, "устоз — шогирд" анъаналари асосида олиб борилади. Ҳадис илми мактабининг ўқув жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида талабалар билан машғулотлар ўтказишга Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг уламола-

ри, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент ислом институтининг профессор-ўқитувчилари жалб қилинади. Ҳадис илми мактабига дунёга машҳур Ал-Азҳар университети ва бошқа нуфузли ўқув юртурларидан ҳам ўқитувчилар қақариш мўлжалланган.

Шу билан бирга, Ҳадис илми мактаби талабаларининг Миср, Иордания, Марокаш, Ҳиндистон ва Покистон каби мамлакатларнинг ҳадис илми марказлари, таникли университетларида малака оширишлари режалаштирилган.

Келажакда Ҳадис илми мактаби битирувчилари диний фанлар, хусусан, ҳадис илми соҳасида таълим бериб, диний ташкилотларда имом-хатиб, илмий ходим вазифаларида ишлаши, шунингдек, илмий-тадқиқот марказларида илмий ходим сифатида фаолият олиб бориши кўзда тутилган.


Битирувчилар таълимни ўз ихтисослигига кўра, Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистратурасида, таянч докторантура ва докторантура босқичларида давом эттириши мумкин.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ,**  
журналист

## РЕКЛАМА

QIB | 25 йил

QISHLOQQURILISHBANK



миллий  
валютадаги  
муддатли  
"Юбилей"  
омонатини  
таклиф этади.

### Омонатга маблағлар:

- 2019 йилнинг  
2 августигача;
- 25 ойга қабул  
қилинади.

Омонатнинг юқори  
миқдори — 25 000 000 сўм.

Омонат фонзи — йиллик 22 %.  
Ҳисобланган фонз тўловлар  
ҳар ойда амалга оширилади.

"Қишлоқ Қурилиш банк" — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Тел. 78-150-72-58, 78-150-93-39.

Хизматлар лицензияланган.

www.qqb.uz

MILLIY  
TIKLANISH

#### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Алишер ҚОДИРОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ,  
Амирддин БЕРДИМУРОДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ,  
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Акмал САИДОВ,  
Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ,  
Исмаи ХУДОЁЕВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,  
Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета тахририят компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55,  
Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47,  
Маънавият, туризм, ҳалқаро ҳаёт ва ахборот бўлими:  
234-87-73, Реклама ва маркетинг бўлими:  
234-86-41, Бош муҳаррирнинг биринчи  
уринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 3 босма табоқ офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3  
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонасида chop этилди.  
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Бююртма — Г 726, Адади — 1706. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб,  
улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир: Равшан МАХМУДОВ

Навбатчи: Нигора НИШОНБОЕВА

Саҳифаловчи: Жалолиддин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30. Топширилди — 02.20. Ўза яқини — 01.00

ISSN 2010-7714



4720107710031